

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ

2021/2

ISSN 2181-998X

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ТИББИЁТ ВА СПОРТ
MEDICINE AND SPORT

Toшкент

ТИЗИМЛИ ҚИЗИЛ БҮРИЧАДА ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКА

Н.М. Махаматжанова

МЕДИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ДИАГНОСТИКА СИСТЕМНОЙ КРАСНОЙ ВОЛЧАНКИ

Н.М. Махаматжанова

MEDICAL AND PSYCHOLOGICAL DIAGNOSTICS WITH SYSTEMIC LUPUS ERYTHEMATOSUS

N.M. Makhamatjanova

Тошкент тиббиёт академияси

Резюме: В данной статье исследуются диагностика психоэмоциональных расстройств, суицидального риска и показатели качества жизни у пациентов с системной красной волчанкой. Были представлены тревожно-депрессивные расстройства, клинико-психологические индикаторы, суицидальные мысли и индикаторы качества жизни, выявленные у пациентов с помощью медико-психологических анкет и других психодиагностических методов.

Ключевые слова: системная красная волчанка, тревожно-депрессивное расстройство, медико-психологическая анкета, шкала HADS, суицид, качество жизни, психологический компонент, физический компонент, опросник SF-36.

Annotation: this article examines the diagnosis of psychoemotional disorders, suicidal risk and quality of life indicators in patients with systemic lupus erythematosus. Anxiety-depressive disorders, clinical and psychological indicators, suicidal thoughts and indicators of quality of life identified in patients using medical and psychological questionnaires and other psychodiagnostic methods were presented.

Key words: systemic lupus erythematosus, anxiety-depressive disorder; medical and psychological questionnaire, HADS scale, suicide, quality of life, psychological component, physical component, SF-36 questionnaire

Бутунги кунда махаллий ва хорижий ревматологларнинг коморбид рухий бузилишлар (РБ) муаммосига қизикиши ортиши бежиз эмас [3,5,6,8].

Иммун яллиганиши ревматик касалликлар тананинг кўплаб тизимларига зарар етказадиган, функционал қобилиятининг пасайишининг эрта бошланиши, тез-тез касбий ва ижтимоий кўнкимларини йўқотиши, ногиронлик ва ўрта ёшдаги ўлим даражаси юкори бўлган сурункали прогрессив касалликлар деб таснифланади. Ревматик касалликларнинг тарқалиши жуда кенг бўлиб, катта ёшли ахоли орасида 0,5 дан 2% гача бўлади [7].

Турли хил муаллифларнинг фикрига кўра, ревматик касаллик билан касалланган беморларда хавотир-депрессив бузилиши (ХДБ) билан касалланиши даражаси 20% дан 89% гача, хусусан, ревматоид артритда - 30-89%, тизимли қизил бўричада - 50-83%, умумий популяцияда ХДБ 6-13 % да учрайди. [2,3,6].

Тизимли қизил бўрича бу – келиб чиқиши номаълум бўлган касаллик бўлиб, клиник кўринишлари доирасининг кенглиги, турли орган ва тизимларнинг шикастланиши билан тавсифланади [1].

Ревматик касаллик билан касалланган беморларда ХДБ лар юкори частотасига қарамай, кўпинча ташхис кўйилмаган ва даволанмаган. Бу, биринчи навбатда, барча эътибор касалликнинг асосий иммунопатологик жихатларига қаратилиши, депрессия ва хавотир сурункали касалликка "нормал" реакция сифатида қаралиши билан боғлик. Депрессияни аниқлаш ревматик касалликларнинг баъзи белгилари депрессиянинг намоён бўлишига тўғри келиши билан мураккаблашади (масалан, сурункали чарчашиб, харакатланишда тормозланишлар, вазн йўқотиши, уйқусизлик, иштаҳа ўйқолиши). Бундан ташқари, ревматолог, бошка мутахассисликлар шифокорларида,

кўпинча рухий бузилишлар диагностикаси учун етарли вақт ва кўнкимлар мавжуд эмас. Баъзи маълумотларга кўра, ревматик касалликлар ва депрессия билан оғриган беморларнинг фақат бешдан бир қисми шифокор билан кайфият муаммоларини мухокама килишга тайёр ва беморларнинг фақат тўртдан бири етарли психофармакологик ва психотерапевтик ёрдам олади [2,9].

Беморларда шунингдек, ижтимлий нуқтаи назардан қийинчиликларга дуч келишади. Тизимли қизил бўрича одатий турмуш тарзини бузади ва кариндошлар, дўстлар билан муносабатнинг табиатини ўзгартиради. Бундан ташқари, бу bemorларнинг оила аъзоларининг ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатади [10].

Умуман олганда, рухий тушкунлик меҳнат қобилиятини икки баравар пасайишига, иш жойини йўқотишига ва ревматик касалликлар билан оғриган беморларни даволаш харажатларининг ошишига олиб келади [4].

Шу боис тизимли қизил бўрича ташхиси кўйилган беморларда хавотир-депрессив бузилишларни, суицидал фикрлар бор ёки йўқлигини ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини эрта аниқлаб уларга психофармакотерапия қўлланилишини тақозо этади.

Тадқиқот мақсади: Тизимли қизил бўричада тиббий-психологик диагностикани касалликни эрта босқичларида амалга ошириш ва уларни коррекция килиш орқали касаллик кечишига ижобий таъсир кўрсатиш.

Материал ва методлар. Тадқиқот ўтказиш мақсадида тизимли қизил бўрича касаллигининг ўтири ости кечиши ва касаллик сабабли баъзи нишон аъзолари зааралланган 80 нафар беморлар танлаб олинди. Текширилувчиларнинг ўртacha ёши $28 \pm 9,2$ ва барчаси

аёллар.

Беморларнинг психоэмоционал статусини баҳолаш учун тиббий-психологик анкета, хавотир ва депрессияни аниқлаш учун HADS (Hospital anxiety depression scale) кўлланилди.

Ўз жонига қасд қилишга моилликнинг хавф даражасини аниқлашда SAD PERSON шкаласидан фойдаланилди. SAD PERSON - шкаласи мнемоник восита сифатида ишлатиладиган қисқартма. У биринчи марта тиббий ходимларнинг ўз жонига қасд қилиш хавфини аниқлаш учун клиник баҳолаш воситасим сифатида ишлаб чиқилган (Паттерсон ва бошқалар томонидан 1983). SAD PERSON шкаласи тиббиёт ходимлари учун фойдали бўлган маълумотларни тўплаш усулларидан биридир.

Беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларни баҳолашда эса SF-36 сўровномасидан фойдаланилди.

Натижалар ва таҳлил. Тизимли қизил бўричада тиббий психологик диагностика босқичлари кўйидагилардан иборат:

Биринчи босқич: Тиббий психологик таҳлил.

Бу босқичда bemorлардаги хавотир ва депрессиянинг объектив ва субъектив белгилари ўрганилади. Бу эса тизимли қизил бўрича ташхиси қўйилишининг дастлабки босқичлариданоқ bemorларнинг психоэмоционал ҳолатини ўрганиб зарур психотерапевтик ва психофармакотерапевтик даво муолажалари килишни талаб қилади (жад. 1).

Жадвал 1

Тизимли қизил бўрича аниқланган bemorлардаги субъектив симптомлар

№	Субъектив симптомлар	Bеморлар (n=80)
1	Доимий хавотирлик хисси	75 (93,7%)
2	Уйқу бузилиши	76 (95%)
3	Эмоционал лабиллик	80 (100%)
4	Кайфият ўзгарувчанлиги	76 (95%)
5	Кўрқув хисси	62 (77,5%)
6	“Ёмон” фикрлар ҳакида фиксация	59 (73,7%)

HADS шкаласи бўйича хавотирнинг турлари (клиник, субклиник хавотир) кўрсаткичлари таҳлилига ўз, ТҚБ ташхиси қўйилган bemorларда (n=80) клиник хавотир 66,0%ни ташкил этган бўлса, субклиник хавотир 10,7%га teng бўлди (жад. 2).

Жадвал 2

Хавотир даражасининг тақсимланиши (%)

Хавотир	Bеморлар (n=80)	%
Клиник ифодаланган хавотир	52	66,0±4,9
Субклиник ифодаланган хавотир	9	10,7±12,6
Хавотир йўқ (норма)	19	23,1±8,0

HADS шкаласи бўйича депрессия кўрсаткичлари таҳлилига ўз, bemorларда клиник депрессия, 41,0%ни ташкил этган бўлса, субклиник депрессия 35,7%га teng бўлди (жад.3).

Жадвал 3

Депрессия дажасининг тақсимланиши (%)

Депрессия	bеморлар (n=80)	%
Клиник ифодаланган депрессия	34	41,0±6,3
Субклиник ифодаланган депрессия	28	35,7±6,6
Депрессия йўқ (норма)	18	23,3±7,3

Хавотир аниқланмаган bemorларда клиник ва субклиник депрессия аниқланди ва аксинча.

Иккинчи босқич. Ўз жонига қасд қилиши (суицид) хавфини аниқлаш.

Адабиёт таҳлилига ўзра сурункали касаллиги бўлган bemorлар, жумладан ревматик касаллар билан оғриган bemorларда ўз жонига қасд қилиш фикрларига ва суицидга моил бўладилар. Баъзи тадқиқотларда айтилишича, ТҚБ билан касалланган bemorларда ўз жонига қасд қилиш даражаси жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўлим статистикасидан олинган умумий аҳолидан кутилгандан 4-5 баробар юқори. Бошқа манбаларда айтилишича, ўз жонига қасд қилишни турли жойларда тизимли қизил бўрича касалларининг 8-34 фоизида турли хил баҳолаш воситаларидан фойдаланган холда тасвирланган.

Бу босқичда bemorларда ўз жонига қасд қилиш хавфи аниқланади. Ўз жонига қасд қилиш харакати – бу ўлимга аниқ ёки яширин ният билан ундалган, ўз-ўзига зарар етказиш ёки ўз-ўзини йўқ қилишга каратилган, хеч бўлмаганди минимал даражадаги ҳаёл, фикрлар, гоялар ёки хатти-харакатлар шаклида намоён бўладиган аутоаггресив тажовузкор хатти-харакат.

Бир катор статистик кўрсаткичлар бўйича (ижтимоий-демографик, иқтисодий, тиббий ва бошқалар) фарқ қилувчи аҳоли гурухлари ўз жонига қасд қилишнинг турли даражаларига эга. Хавф омиллари эҳтимоллик тушунчалари бўлиб, уларнинг бащорат қилувчи тушунчалари нисбийдир. Бошқача қилиб айтганда хеч қандай бўлмаса хам содир бўлиши мумкин. Бироқ, уларнинг аҳамияти кўплаб омилларнинг бирлашиши билан кучаяди.

Хавфнинг асосий омилларига ижтимоий-демографик, тиббий, биографик, индивидуал психологик ва бошқалар киради. Ўз жонига қасд қилишнинг асосий “воситаси” бу bemor билан клиник сухбат, уни кузатиш, учинчи шахслар ва тиббий хужжатлардан олинган маълумотлар. Ўз жонига қасд қилишнинг воситаси сифатида рейтинг шкаласидан фойдаланиш тавсия этилади. Шу мақсадда ТҚБ ташхиси қўйилган bemorларда ўз жонига қасд қилиш хавфини аниқлаш учун SAD PERSON шкаласидан фойдаланилди (жад. 4).

**Суицид хавфини баҳоловчи шкала
(The SAD PERSONS Scale, Patterson et al. 1983)**

Фактор	Кўрсаткичлар (киймати)
Жинси	1 – эркак; 0 – аёл
Ёши	1 – <19 ёки >45
Депрессия	1 – агар бор бўлса

Анамнезидаги парасуицидлар	1 – агар бор бўлса
Спиртли ичимлмкларни сунстельмол қилиш	1 – агар бор бўлса
Рационал фикрлаш бузилишлари (васваса, галлюцинация, ёкотиш ҳиссими ўрнашиб қолиши, идрокнинг депрессив торайши)	1 – шизофрения, кайфият бузилишлари, когнитив бузилишлар
Жамият томонидан кўллаб қувватлашнинг етишмовчилиги (ёлғиз ўзи яшаши, муносабатлардаги чукур қийинчиликлар, жамиятни қабул қилмаслик)	1 – агар мавжуд бўлса, айниқса якин орада ўзига муҳим бўлган инсонни ёкотганда
Режаланган сункасдни уюштириш	1 – агар мавжуд бўлса, ва танланган усул аник ўлимга олиб келадиган бўлса
Турмуш ўртоғининг йўклиги	1 – ажрашган, бева, ажратилган, ёлғизлиқда яшайди
Касаллик	1 – агар мавжуд бўлса, айниқса сурункали, ногиронликка олиб келувчи, оғир кечувчи

Умумий балл 0 (ўта кичик хавф) -10 (ўта юкори хавф) гача

Ушбу сўровномани қуидагича баҳоланади:

Умумий балл	Таҳминий чора-тадбирлар
0 – 2, кам хавф	Амбулатор кузатув
3 – 4, ўртача хавф	Амбулатор кузатув мунтазам кўрик билан (1-3 марта ҳафтасига), кундузги стационар, стационар госпитализация ҳақида ўйлаб кўриш
5 – 6, юкори хавф	Агар амбулатор кузатувнинг самараасига шубҳа бўлса, госпитализацияга тавсия бериш (психиатрик ва социал хизмат, қариндошлар)
7 – 10, жуда юкори хавф	Госпитализация (шу жумладан мажбурий)

Жадвал 4

SAD PERSONS шкаласи орқали суницид хавфини аниқлаш Беморларни ушбу сўровнома орқали текширилгандага қўйидаги натижалар олинди:

Умумий балл	Беморлар n=80
0 – 2, кам хавф	-
3 – 4, ўртача хавф	75 (93,7 %)
5 – 6, юкори хавф	4 (5,0%)
7 – 10, жуда юкори хавф	1 (1,3%)

Юкоридаги жадвалдан кўриниб турибидики, bemорларда ўз жонига касд қилишининг ўртача ва юкори хавфи кўп кузатилди. Бу эса ўз вақтида bemорларга тегишли чора-тадбирларни кўриш имконини беради

Учинчи босқич. Ҳаёт сифатини баҳолаши


Чунки ТҚБ аниқланган bemорлардаги сурункали касаллик, доимий равиша глюкокортикостероид препатарларни ичиш, психоэмоционал бузилишларнинг

кузатилиши ҳаёт сифатини пасайтириб касаллик кечишига салбий таъсири кўрсатади ва 25-57 % ҳолларда ногиронликка олиб келади.

Бу босқичда bemорларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун SF-36 сўровномаси қўлланилади. SF-36 сўровномаси энг кенг тарқалган сўровномалардан бири ҳисобланади. У умумий ҳисобланаб, ҳар хил касалликлар билан ҳасталангандек bemорлар ҳаёт сифатини баҳолашга ва ушбу кўрсаткичларни соғлом популяция билан тақослашга ёрдам беради. Бундан ташқари SF-36 сўровномаси катталар учун тузилган бўлиб, у 14 ёш ва ундан катта ёшдаги респондентларни қамраб олади. Бу сўровноманинг самарадорлиги юкори бўлиб, қискалиги (36 та саволдан иборат), уни кўллаш қулайлиги билан ажralиб туради

Олинган натижалар шуни кўрсатдик, тизимли қизил бўрича касаллиги ва bemорларнинг ҳаёт сифати ўртасида кучли тўғри корреляцион ($r=0,78\pm0,11$) боғлиқлик бор, жумладан, касалликнинг давомийлиги ($r=0,81\pm0,24$), bemорларнинг ёши ($r=0,75\pm0,21$) бунда муҳим рол ўйнайди.

ТҚБ ташхисланган bemорларда ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича 8 та кўрсаткични ҳар бир bemорда таҳлил натижаларига кўра, bemорларда энг юкори кўрсаткич $55\pm5,3$ ни ташкил этди, яъни касаллик bemорларнинг ҳаёт сифатига яққол ўз таъсирини ўтказганлигини кўрсатди, кўрсаткич қанча юкори бўлса, ҳаёт сифати шунча яхши бўлади (расм 1).



Расм 1. ТҚБ ташхисланган bemорларни SF-36 мезонлари бўйича баҳолаш натижалари


ТҚБ ташхиси кўйилган bemорларда ҳаёт фаолияти чекланишида жисмоний муаммолар ($RP=27,0\pm7,3$), ҳаёт фаолиятининг чегараланишида руҳий эмоционал муаммолар ($RE=15,4\pm8,5$), ҳаёт қобилияти (тетиклик) ($VT=30,6\pm7,5$) каби мезонлар бўйича паст кўрсаткичлар қайд этилган бўлса, умумий саломатлик ҳолати ($GH=51,6\pm5,3$) ва оғрикнинг интенсивлиги ($BP=48,1\pm5,6$) мезони бўйича бироз юкори кўрсаткичлар қайд этилган. Бирор бу bemорлар умумий саломатлиги яхши эканлиги ёки оғрикнинг интенсивлиги пастлигидан далолат бермайди, шунингдек, олинган кўрсаткичлар соғлом шахсларга нисбатан жуда паст эканлигини кўрсатади.

SF-36 сўровномаси мезонлари 2 та гурухга ажратилади: саломатликнинг жисмоний ва руҳий компоненти. Саломатликнинг жисмоний компонентига (PH) жисмоний фаоллик (PF), ҳаёт фаолиятининг чекланганлигига жисмоний муаммоларнинг роли (RP),

оғриқ (ВР), умумий саломатлик (GH) мезонлари киради.

Саломатликнинг руҳий (MH) компонентига қўйидаги мезонлар киради: хаёт қобилияти (VT), ижтимоий фаоллиқ (SF), хаёт фаолиятини чегараланишида эмоционал муаммоларнинг роли (RE), руҳий саломатлик (MH).

Биз ўз тадқиқотларимизда ТҚБ ташхиси қўйилган беморларда саломатликнинг жисмоний ва руҳий компонентларини бўйича ҳам баҳоладик. Олинган натижаларимизга кўра, bemorlarда жисмоний компонент ($PH=36,7\pm6,3$) руҳий компонетга ($MH=31,1\pm6,7$) нисбатан устунлик қилди (расм 2).



Расм 2. ТҚБ ташхисланган bemorларда саломатликнинг жисмоний ва руҳий компонентларини баҳолаш натижалари

Юқоридаги диаграммадан қўриниб турибдики, ТҚБ ташхиси қўйилган bemorларда саломатликнинг жисмоний ва руҳий компонентларини баҳолаш натижаларига bemorлarda жисмоний компонент ($PH=36,7\pm6,3$) руҳий компонетга ($MH=31,1\pm6,7$) нисбатан устунлик қилиши ТҚБ bemorларнинг тетиклик тонуси, ижтимоий фаоллиги, руҳий эмоционал фаолиятига ва руҳий саломатлигига салбий таъсир қўрсатишини тасдиқлади.

Хулосалар. Тадқиқот натижаларига кўра, тизимли қизил бўричада юқорида қўрсатилган тиббий-психологик диагностика орқали bemorларнинг психоэмоционал ҳолатини улар шифохонага мурожаат қилган кундан бошлаб аниқлаш зарур. Тизимли қизил бўричада юқорида қўрсатилган диагностика босқичларини амалга ошириш орқали дистимик ҳолатлар, ангедония, апатик ҳолатлар, диссомния, демотивацион синдромлар, психовегетатив бузилишларни ва хавотир-депрессив бузилишларни эрта аниқлаш мумкин. Бу эса bemorлардаги психоэмоционал бузилишларнинг оғир даражаларига ўтиб кетиши натижасида bemorлар ҳаёт сифатининг пасайиб кетмаслигини таъминлайди.

Бундан ташқари суицидал фикрлар, парасуицидал ҳолатларни эрта аниқлаш ва уларга ўз вақтида зарур чора-тадбирларни кўриш имконини беради.

Ҳаёт сифатини ўрганиб баҳолаш орқали ҳаёт қобилияти, ижтимоий фаоллиги, ҳаёт фаолиятини чегараланишида эмоционал муаммоларнинг роли, руҳий саломатлик даражасини аниқлаб, bemorлинг асосий касалликка бўлган таъсирини, уларнинг комплайнсини ошириш мақсадида қўлланилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конабеков Б.Е., Хамитов Е.А., Хисметова З.А. Качество жизни у пациентов с системной красной волчанкой в зависимости от медико-социальных, этнических характеристик и психоэмоционального состояния (депрессия и тревога)-2018).
2. Лисицына Т.А. «Психические расстройства у больных ревматоидным артритом и системной красной волчанкой»-2014.
3. Bruce T.O. Comorbid depression in rheumatoid arthritis: pathophysiology and clinical implications. // Curr Psychiatry Rep. - 2008. - Vol. 10. - P. 258-264
4. Joyce A.T, Smith P., Khandker R., Melin J.M., Singh A. Hidden cost of rheumatoid arthritis, estimating cost of comorbid cardiovascular disease and depression among patients with RA. // J. Rheumatol. - 2009. - Vol. 36. - N. 4. - P. 743752.
5. Katon W.J. Epidemiology and treatment of depression in patients with chronic medical illness. // Dialogues in clinical neuroscience. 2011. Vol. 13. N. 1. P. 7-23.
6. Kekow J., Moots R., Khandker R. et al. Improvements in patient-reported outcomes, symptoms of depression and anxiety, and their association with clinical remission among patients with moderate-to-severe active early rheumatoid arthritis. // Rheumatology. - 2011. - Vol. 50. - P. 401-409.
7. Lawrence R.C., Felson D.T., Helmick C.G. et al. Estimates of the prevalence of arthritis and other rheumatic conditions in the United States. Part II. // Arthritis Rheum. - 2008. - Vol. 58. - P. 26-35.
8. Ohayon M.M., Schatzberg A.F. Chronic pain and major depressive disorder in the general population. // J Psychiatr Res. - 2010. - Vol. 44. - P. 454-461.
9. Sleath B., Chewning B., de Vellis B.M. et al. Communication about depression during rheumatoid arthritis patient visits. // Arthritis Rheum. - 2008. - Vol. 59.-N. 2.-P. 186-191.
10. Zeng F. et al. Relatives' quality of life and psychological disturbance: a new concern of SLE management // Clin. Rheumatol. 2017. С. 1-7.

Тизимли қизил бўричада тиббий-психологик диагностика

Н.М. Махаматжанова

Хулоса: Ушибу мақолада тизимли қизил бўрича билан оғриган bemorларда психоэмоционал касалликлар диагностикаси, ўз жонига қасд қилиши ҳавфи ва ҳаёт сифати қўрсаткичлари кўриб чиқлади. Тиббий-психологик сўровномалар ва бошқа психодиагностик усуllibардан фойдаланган ҳолда bemorларда аниқланган хавотир-депрессив бузилишлар, клиник ва психологик қўрсаткичлар, ўз жонига қасд қилиши фикрлари ва ҳаёт сифати қўрсаткичлари натижалари тақдим этилади.

Калим сўзлари: тизимли қизил бўрича, хавотир-депрессив бузилиши, тиббий-психологик анкета, HADS шкаласи, суицид, ҳаёт сифати, психологик компонент, жисмоний компонент, SF-36 сўровномаси.

